



Куръони каримда бу дунёда Аллоҳ буюрган амалларни бажарган бандалар учун нариги дунёда жуда катта мукофотлар борлиги, аксинча, Аллоҳ буюрган амалларни килмаганлар учун дахшатли дўзах азоби борлиги аник келтирилган.

Рахмон сурасининг 46-оятида бундай дейилган: «Раббиси хузурида туришдан кўркканлар учун икки жаннат бор».

Киёмат куни Парвардигори оламнинг хузурида саволларга жавоб беришдан, хисоб-китоб макомидан кўркиб, тириклигига ёки тайёргарлик кўриб, яхши амаллар билан кун кечиргандарга икки жаннат бор экан.

«Икки жаннат»нинг бир неча шархлари бор. Жумладан, инсонларга алохида жаннат, жинларга алохида жаннат ёки икковларидан хар бирларига иккитадан жаннат, гунохкорлар жаханнам билан ўта кайнок сув ўртасида айлансалар, такводорлар биринчи жаннатлари, иккинчи жаннатлари орасида сайди килиб юрадилар. У иккала жаннат сердарахт бўлиб, шох-новдаларида мевалар кўп ва соя-салкинлик манбаидир.

Жаннатийлар ичишлари учун ва дараҳтлар тагидан окиб туриши учун мазкур икки жаннатда окувчи икки булок бўлиб, уларда сув сероб бўлади (50-оят).

Жаннат ахли ипак астарли тўшакларда, ёнбошлаган холда истироҳатда бўлишади. Жаннат ичидаги икки богнинг мевалари уларга якин бўлиб, ўтирган хам, турган хам, ёнбошлаган хам кийналмасдан узиб, бахам кўраверади (54-оят).

Рахмон сурасида жаннатнинг ана шундай тасвиридан сўнг жаннатийлар учун тайёрланган хурлар, уларнинг гўзалликлари хакида маълумот берилади. Жаннатий хурлар хакидаги тасвиirlарни кўздан кечиралил.

Шу суранинг 56-оятида бундай дейилган: «Уларда кўзлари тийилган, аввал инс хам, жинс хам тегмаган (хур)лар бор».

У тўшакларда жаннат ахли учун тайёрланган хурлар бор. Улар афифа бўлиб, ўзларига соҳиб бўлган жаннатий шахсдан ўзгага кўз тикмайдилар, хаёллари хам бошка ёкка кетмайди. Шу билан бирга, улар мастура бўлиб, ўзларига соҳиб бўлган жаннатий шахсдан аввал бирорта жиннинг хам, инсоннинг хам кўли тегмаган. Бу ояти каримада хурларнинг ички гўзаллиги, маънавий олами тасвиirlанмокда.

58-оятда бундай дейилган: «У (хур)лар худди ёкут ва маржонга ўхшарлар». Кейинрок бу масалага яна кайтамиз. Хозирча шуни таъкидлаш зарурки, энди хурларнинг ташки гўзаллиги тасвиirlанмокда. Мумтоз адабиётдаги шоирлар гўзалнинг тишларини ёкут ва маржонга ўхшатадилар.

72-оятда бундай дейилган: «Чодирларини лозим тутган хурлар бор. Яъни ўз эгаларидан бошкани кўзламайдиган, ўз масканларидан бошка ёкка чикмайдиган вафодор хурлар бор».

Хурлар хусусида Вокеа сурасида хам давом этади:

«Яна кўзи гўзал хурлар бор». «Мисоли яширилган дур каби» (22-23-оятлар). Хурларнинг «Яширилган дур каби» сифатланиши дурнинг энг яххиси, садафдан янги чиккани, хали хеч кимнинг кўли тегмаганидир. Шу суранинг 36-оятида: «Бас, уларни бокира кизлар килиб кўйдик», дейилган.

Набаъ сурасининг 33-оятида: «Ва янги бўйи етган бир хил ёшдаги кизлар бордир», дейилган.

Соффат сурасининг 48, 49-оятларида хурлар тасвирига оид бундай маълумотларни ўқиймиз: «Олдиларида кўзларини (бегоналардан) тийгувчи шахло кўзлилар бордир. Улар худди асраб кўйилган тухумга ўхшарлар».

Тур сурасининг 20-оятида бундай дейилган: «Улар катор тизилган сўриларга ёнбошлаган холдалар. Ва уларни гўзал кўзли хурларга уйлаб кўйганмиз». Оятдаги «Хури ъийнлар» жаннат хурлари бўлиб, баданлари оппок, кўзлари катта-катта ва гўзал бўлгани учун улар шундай ном олишган.

Куръони каримдаги хар оят, хар жумла, хатто, бир харф бутун китобларга, шеърларга асос бўлгани каби жаннатдаги хурлар тасвири шоирларга олам-олам илхом берган, улар ёр тасвирида бир-биридан ўзиб сўз айтишга харакат килишган.

Мумтоз шоирлар хам шеърларида гўзалларни хурлар каби юзи ок, кош-кўзи кора, сочи узун, оғзи кичик, бели нозик, кабоклари кенг килиб тасвирлашади.

Адабиётда кам ўрганилган Хусайний ижоди мисолида ёр кандай тасвирланганини кўздан кечирайлик. Шоир газал таркибидаги байтларда маъшукага дойр бирор аъзо хакида гўзал фикрлар баён килса, айрим газаллари бошдан-оёк маъшука жамоли тасвирига багишланган. «Лаъл узра сабзаи», «Гунчани оғзинг десам», «Ул саводи хат ичинда» каби газаллари маъшука жамоли тасвирига багишлангандир.

Хусайний талкинидаги маъшука ўзгача хусну тароватга эга. Мумтоз адабиётда ёр лабининг, сўзининг илхомбахшлигини таърифлаш учун ёрни ИсоMasихга киёс килишади.

Гар Масих умрида тиргузди бир неча ўлик,  
Дилбарим юз минг ўликни тиргузур гуфтор аро.

Аввало, байт таркибида Масих тимсолини келтириш талмех санъати бўлса, энг муҳими, шоир дилбари Масих сингари бир неча ўликни эмас, ўн эмас, юз эмас, минг эмас, ўн минг эмас, юз минг ўликни сўзлаб туриб, тирилтириб юборади. Бу санъат муболаганинг игрок шаклидир.

Улусга шох бўлган Хусайнийни чокар килган маъшука шакл-шамойили, жамоли тасвирини бир жойга жамласак, шохларни хам чокар килувчи малак сиймо кўз олдимизда намоён бўлади. Маъшука жамоли тасвиридаги зулф ва юз Хусайний лирикасида кандай жило топганини кўздан кечирайлик.

Туну кун «Вал-лайлу Ваш-шамс» оятин васфинг аро  
Нозил этса йўқ ажаб зулфу юзунг шонида чарх.

Мазкур байтда шоир иктибос санъатини кўллаган. Бу санъат мохияти шундаки, Куръон ёки хадисда айтилган фикрларни Куръон ёки хадисдан олинганига ишора килмай, шеърда ишлатишдан иборат. Байтда сенинг зулфинг ва юзинг шаънида уларнинг туну кун васфи учун «вал-лайлу ваш шамс» оятини нозил этган бўлса ажаб эмасдир, дейилмокда. «Вал лайли ваш шамс» оятлари Куръонда мавжуд бўлиб, «Вал лайли» оятида кечага касам билан сўз борса, «Ваш шамс» оятида эса куёшга касам билан фикр баён килинади.

Хусайнин бу ояtlарни келтирап экан, кеча, туннинг коралигини ёр зулфига бoggаса, куёшнинг мунаварлигини ёр юзига нисбат этади. Соч хам кора, тун хам кора, куёш эса ёруг, ер юзи хам равшан. Бу ерда таносуб санъати юзага келмоқда.

Соябони зулф икки ойдек юзига ёпилур,  
Сарсари охимдин ул gox ёпилур, gox очилур.

Байтда зулфнинг соябон экани, ёрнинг ойдек юзига ёпиниб гуриши, аммо ошикнинг бетиним охидин ул юз gox очилиши, gox ёпилиши баён килинган. Мазкур байтда ташбех (ойдек), муболага (юзнинг охдин очилиб, ёпилиши), тазод (очилиш ва ёпилиш), тавзеъ («р» ундоши беш жойда келмоқда) санъатлари кўлланган.

Хусайнининг «Ой юзингдек кўрмайин» мисраси билан бошланувчи газали якпора газал бўлиб, факат ёр юзи васфига багишланган. Унда таъкидланишича, гарчанд Юсуфнинг кимматини белгилаш учун унинг вазнига teng олтин билан улчаган бўлсалар, шоир тасвиридаги гўзал юзи шу кадар зебоки, чарх хусн мезонида уни Юсуфдан ортик кўради:

Чектилар Юсуфни гар ўз вазнича олтин била,  
Они харгиз сенга тутмас хусн мезонида чарх.

Байтда гўзаллик рамзи Юсуф (алайхиссалом) номи ишлатилиши талмех санъати бўлса, ёр жамолининг ундан ортик тасвирланиши муболаганинг игрок шаклидир. Кўпчилик шоирлар ёр юзини ойга ўхшатишса, айримлари ёр юзини ойга ўхшатишмайди: чунки ойнинг юзида дод бор. Саккокий, Лутфий ёр юзини ойга ўхшатишмайди:

Жамолингким тажалли кўзгусидир,  
Каро тамгалик ой бир хиндусидир.  
Ойдир сенинг олдингда букун бир хабаший кул,  
Тонса, юзида зохир ўлур доги нишони.

Хусайнин ёр юзи, зулфи тасвирида анъанавий ўхшатишлардан хам кенг фойдаланган:

Сарву сунбул бирла гул васфидурур ул сахфада  
Кадду зулфу оразинг ёди билан очсам китоб.  
Ёр кадди сарв, зулфи сунбул, юзи гул экани айтилмокда.  
Бу байтда лаф ва нашр санъатининг мураттаб шакли кўлланган.

Шоирнинг «Йўқ» радифли газали юз, зулф, кад тасвирига багипшанган бўлиб, у ерда яна бир аъзо — лаб хакида хам сўз боради.  
Газалда ёр оғзи гунчадан аъло, чунки гунча сўзлай олмайди, кадди сарвдан ортиқ, чунки сарв харакат кила олмайди. Хусн бобида ой хам сенинг олдингдан ўта берсин, чунки сарвдек кадди, гул каби рухсори йўқ. Сунбулни зулфинингга ўхшатмайман, чунки унинг «дилосо атри»ю «жон ипидин тори» йўқ. Ёкут лабинг олдида хеч нарса эмас, чунки унинг чучук таъми ва “жонбахшилик” хусусияти йўқ.

Гунчани оғзинг десам, найлай, анинг гуфтори йўқ,  
Сарвни каддинг десам, нетай, анинг рафттори йўқ.  
Ойни не янглиг сенга нисбат килурким, хусн аро  
Сарвдек хам кадди йўқ, хам гул каби рухсори йўқ.  
Зулфунга сунбулни не навъ айлагай ташбехким,  
Хам дилосо атри йўқ, хам жон риштасидек тори йўқ.  
Айта олмон лаълинга ёкут ўхшарким, онинг  
Хам чучук таъмию хам жонбахшилик осори йўқ.  
Мана, юз, зулф, кад тасвирига лаб тасвири хам кўшилади:  
Сарв узра гул кўрмаган бўлсин кади юзини кўр,  
Жони ширин истасанг, лаъли шакар борига бок.

«Жони ширин», «шакарбор» лабни шоир яна кандай мадх этади? Ёр дудоги олдида оби хаёт шарманда, Исо дам урмоги уятдир.

Эй дудогинг шарбати шармандаси оби хаёт,  
Нуткинг оллида эрур Исога дам урмок уёт.

Лаб хакида гап борар экан, албатта, маъшука лаби устидаги тукчалар — хат хакида сўз юритилади. Хусайнин ёр хатини янги ўсиб чиккан майсага ўхшатади: «ЛАЪЛИ УЗРА САБЗАИ НАМУДОРИГА БОК». Мушкин хатни райхонга киёслайди: «Ё МУШКИ МУСХАФМИ ОНИ ХАТТИ РАЙХОНМУ ДЕЙИН». Хатнинг лаб устида туриши гўё оби хайвон устига Хизр соя солганга ўхшайди:

Сабзаи хаттин саводи лаъли хандон устина,  
Хизр гўё соя солмиш оби хайвон устина.

Шоирнинг бир газали тамомила хат мадхига багишлиланган.  
Унга боғлик равишда ёр портретидаги бошка атамалар хам рангин бўёкларда ифода  
килинган.

Мушку хаттинму дей ё лаъли дурборинму дей?  
Юзи имонинму дей ё зулфи зунноринму дей?  
Кавсари лаълинму айтай, йўкса хаттидин онинг  
Теграсида сабзаи жаннат намудоринму дей?  
Сабзаи гулдек хатти бирла юзинму шарх этай,  
Сабзаи гулдин безанган боги рухсоринму дей?  
Риштаи жон бирла хайвон суйидин сўрдинг хабар  
Белининг торинму айтай, лаъли гуфторинму дей?

Кўринадики, Хусайнин хат олдидан сабза, райхон, мушкин, Хизр сояси сингари  
сифатловчиларни келтириб, хатнинг бутун гўзаллигини ёркин ифода этмокда. Шоир  
маъшуканинг лаби устида холи борлигини айтиб, уни сўз ўйинларига йўгириб, гўзал  
тасвирлайди. У ёр холига диккат тортиш учун тожохилу орифона санъатидан, ташбех  
санъатидан фойдаланган:

Нуктадир ё холи мушкин, ул лаби майгун уза  
Ё анга ўхшарки, кўнгай шаккар устига чибин.

Ёрнинг лаби устидаги холи хакида кўп шеърлар ёзилган. Навоий лаб сўзининг араб  
харфлари оркали ёзилишидан келиб чишиб, шундай гўзал байт яратган:

Нуктаи холинг нечун ширин лабинг устидадир?  
Нукта чун остин бўлур хар кайдаким ёзилса лаб.

Бу масала Фуркатга хам завқ берган. Шоир бу масалани сухбат шаклига солиб, юмор  
туйгуси билан йўгиради:

«Нукта лаб устида бежодур», дедим, айди кулиб  
«Сахв килмиш котиби кудрат магар тахрирда».

Китобат санъати ифодаланган бу байтлар Эркин Вохидовга хам илхом берган:

Нуктадек бир холи бормиш гунча лабнинг устида,

Ул бири ошкор эмишу ул бири пинхон эмиш.

Шоирлар маъшука холини лаб устида, остида эканини, кора эканини кўп ёзишган. Аммо рангиз хол хакида жуда кам ёзилган. Хусайнин таърифидаги маъшуканинг рангиз холи бор. Шоир бундан фойдаланиб, ўз фидойилигини бундай тасвирлайди:

Рангиз холин бўярга хал килай кўз мардумин.  
Суртгамен шоядки ушбу рав ила холингга кўз.

Хол кора бўлмоги керак, маъшука холи эса рангиздир. Уни кора рангга бўяш учун ошик кўз корачигини эзиб, ранг килиб бермокчики, шояд шу баҳона, ошик кўзини ёр холига суркаб олишга мұяссар бўлса...

Ана шу тарзда шоирлар Куръони каримдаги хурлар тасвиридан таъсирланиб, маъшукани муболагали воситалар оркали мадх этишади. Ёр бели тасвирида Лутфий бундай ёзган:

Нозиклик ичра белича йўқ тори гесуе,  
Ўз хадцини билиб ўлтирур белидин куйи.

Нозикликда бир ўрим соч белига тенг бўлмагани учун ўз ўрнини билиб, белдан пастда турғанмиш. Демак, маъшука бели бир ўрим сочдан хам нозик.

Хоразмий ёр белини бундан-да нозик деб таърифлаган:

Бўйинг сарву санубартек белинг — кил  
Вафо килган кишиларга вафо кил.

Ёр бели килча экан, бели килча бўлган маъшуканинг ўзи кандай экан? Шошилманг, бундан-да муболагали тасвир бор:

Килни икки ёрмишу килмиш азалда бир калам  
Белингиз тасвирини килгонда наккошин, бегим.

Атойи маъшукаси белини чизмокчи бўлган рассом килни иккига бўлиб чизиши керак, килнинг ўзи билан чизса, бел катта бўлиб колар эмиш...

Шоирлар ёр оғзининг кичикигини тасвирлашда хам ана шундай йўлдан боришган. Буни Лутфий шундай ифода этади:

Хайратка колиб писта оғиз очди-ю колди  
Мажлисда чу оғзинг соридин кечди хикоят.

Шоирлар ёр оғзини пистага ўхшатадилар. Лутфий тасвиридаги маъшука оғзи хакида сўз кетган экан, писта оғзини очганча колибди. Демак, бу маъшука оғзи пистадан хам кичик экан-да?!

Атойи бу борада хамма шоирдан ўтказиб айтган:

Юарда енг билан оғзингни тўсма  
Нимайки йўқ эрур, яширгоминг не?

Навоийда хам шундай фикр бор:

Бели оғзидан дедиларки дегил афсонае,  
Бошладим филхолким: «Бир бор экан, бир йўқ экан».

Куръони каримда зикри келган хурлар ташки қўриниши билан, ички олами билан хам баркамол ёрлардир. Мумтоз адабиётда куйланган маъшукаларнинг ташки гўзаллиги баъзан ички оламига мос келмайди.

Мана мисоллар. Хоразмий ёзади:

Айт, эй меҳринг оз, ишванг фаровон,  
Нетар ул оғизда мунча кўп ёлгон.

Атойи ёзади:

Вафосиз дилрабодин Тенгри безор  
Агар хусн ичра жаннат хури бўлса.

Лутфий ёзади:

Чун вафосизларга бермишлар азалдин кўркни,  
Бу камоли хусн ила кайдан вафо бўлсин сенга.

Навоий ёзади:

Лахза-лахза чиқдиму чекдим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимгаю ул шухи бадху келмади.

Мумтоз адабиётда маъшука тимсоли деярли барча шоирларда жафокор, ёлгончи, бевафо тарзида тасвирланади. Жаннатий хурлар эса хам ботиний, хам зохирий жихатлари билан аъло даражадаги хурлардир.

Бахром Жалилов